# ХАЛҚИМИЗ МАРД ЎҒЛОНЛАРИ, ЎЗ АРМИЯСИГА ИШОНАДИ

## ҚУДРАТИМИЗ, ИФТИХОРИМИЗ!

***Ҳарбийлар ҳақида сўз кетганда Президентимизнинг «Мамлакатимиз сарҳадларининг дахлсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини сақлаш, эл-юртимизнинг осуда ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга қодир, замонавий қурол-аслаҳа ва техника билан таъминланган, яхши тайёрланган ва бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб берадиган, сон жиҳатидан ихчам ва ҳаракатчан Қуролли Кучларни вужудга келтириш - Ўзбекистонимизнинг буюк келажагини барпо этиш йўлидаги энг муҳим вазифаларимиздан биридир», деган фикрларини эслаш жоиз.***

Ислоҳотлар самараси ўлароқ, Қуролли Кучларни ташкил қилишнинг замон талаб қиладиган тамойилларга асосланган, батамом янги тизими жорий этилмоқда. Бунинг мустаҳкам қонунчилик асослари ҳам яратилди. Шу боис Қуролли Кучларимизнинг давлат қурилиши тизимидаги роли, сарҳадларимиз дахлсизлиги, мамлакатимизнинг ҳудудий яхлитлигини таъминлашдаги ўрни ва аҳамияти ортиб бормоқда.

Айтиш жоизки, бугунги кунда муддатли ҳарбий хизматга ҳар томонлама соғлом ва етук, юрагида ўти бор йигитлар танлаб олинаётир. Йигитлар учун эса бу танловдан ўтишнинг ўзи бўлмаяпти. Бугун аскарликка бориш учун уларнинг тўрт мучаси соғлигининг ўзи кифоя эмас. Бунинг учун болаликдан спорт билан шуғулланиш, замонавий билимларни эгаллаш керак бўлади.

Бу борада Юртбошимизнинг «Миллий армиямиз - мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир» рисоласи чоп этилгани айни муддао бўлди. Зеро, бу асарда миллий армиямизнинг мустақил Ватанимиз тараққиётидаги ўрни, унинг ташкил топиш тарихи, Қуролли Кучларимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёни атрофлича таҳлил этиб берилди. Армияда аскар ва офицерлар орасида олиб бориладиган маънавий-маърифий ишларнинг мазмун-моҳияти ҳақида янгича қарашлар илгари сурилди.

Ушбу рисолада давлатимиз раҳбари миллий армиямиз ҳамда халқимизнинг истиқлол тарихи билан узвий боғлиқ эканини алоҳида таъкидлади. Кейинги йилларда шаклланган қадриятлар, айниқса, Ватан ҳимоячилари куни байрами ўзида истиқлол руҳини, халқимиз асрлар давомида интилиб келган эзгу ғояларни мужассам этиши, шу боис бу кунни биз учун энг улуғ, энг азиз айём бўлмиш Мустақиллик шодиёнаси каби умумхалқ байрами сифатида нишонлашимиз лозимлигига эътибор қаратилган.

Бугунги кунда миллий армиямиз сафида хизмат қилаётган ҳарбийларимиз нафақат жисмонан бақувват, энг замонавий ҳарбий техника ва технологияларнинг сир-асрорларини пухта эгаллаган бўлиши, айни вақтда юксак ақл-заковати, интеллектуал салоҳияти, мустаҳкам иродаси, ўз халқига садоқати каби олижаноб хусусият ва фазилатлари билан ажралиб туриши лозим. Бунинг учун эса Қуролли Кучларимизда маънавий-маърифий ишларни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратмоқ зарур. Шунингдек, бу вазифани бажаришда фидойи ва садоқатли, ҳақиқий ватанпарвар, чуқур билим ва катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган инсонларга, сиёсатшунос ва тарихчи олимлар, ижодкор зиёлилар, оммавий ахборот воситалари ходимлари, Қуролли Кучларимиз фахрийларига таяниш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Бугунги кунда соҳада айни шу асосда олиб борилаётган ишлар диққатга сазовор. Бошқача айтганда, ташкил этилаётган турли маънавий-маърифий ва ҳуқуқий тадбирлар аскарларимизнинг ҳар томонлама комил инсон бўлиб етишувида муҳим аҳамият касб этяпти.

**Элдор ПЎЛАТОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокуратураси бошқарма бошлиғи, адлия майори**



## БУГУН БИЛИМ ЮРТИДА

***Мамлакатимизда Ватан ҳимоячилари куни байрами муносабати билан турли учрашув ва суҳбатлар ташкил этилмоқда. Шундай тадбирлардан бири Ўзбекистон Халқ демократик партияси (ХДП) марказий кенгаши ташаббуси билан Чирчиқ Танк қўмондонлик муҳандислари олий билим юртида бўлиб ўтди.***

Учрашувда Ўзбекистон Қаҳрамони, Ёзувчилар уюшмаси раиси А.Орипов, Олий Мажлис Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси ўринбосари О.Мусурмонова, ХДП марказий кенгаши биринчи котиби А.Рустамов ва бошқалар сўзга чиқиб, мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида миллий армияни шакллантириш, ўз бурчига содиқ, билимдон ва жасур жангчиларни тарбиялаб вояга етказиш борасида улкан ишлар амалга оширилаётганлигини таъкидлади.

Аълочи курсантларга эсдалик совғалари топширилди. Санъаткорларнинг чиқишлари даврага файз киритди.

## ҲАРБИЙ БЎЛИШ ОСОНМАС

***Мамлакатимизда «Оммавий ватанпарварлик тадбирлари ойлиги» давом этмоқда. Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида ўтган учрашувда ҳарбийлар, тегишли вазирлик ва идоралар, жамоатчилик вакиллари иштирок этди.***

- Меҳмонлар курсантларимиз ҳаёти, билим юртимизда уларнинг пухта билим олиши учун яратилган шароит билан яқиндан танишди,- дейди ўқув юртининг тарбиявий ишлар бўйича бўлим бошлиғи, подполковник Алишер Худойбердиев. - Мақсадимиз Ўзбекистон Қуролли Кучлари сафига ҳар томонлама етук офицерлар тайёрлаб беришдан иборат.

Учрашув бадиий жамоаларнинг чиқиши билан якунланди.

**(ЎзА)**

***Авиация спорт клуби аэродромида синов машқлари қизғин давом этаётганига бир неча километр наридан гувоҳ бўлдик. Ҳамроҳим, округ тарбиявий ишлар бошқармаси офицери билан осмонда кетма-кет пайдо бўлаётган оқ нуқталарни санай бошлаймиз.***

## ДЕСАНТЧИЛАР

Кўп ўтмай, шундоқ тепамизда «АН-2» русумли самолёт пайдо бўлади. Парашютлар катталашган сайин ҳаяжонимиз ортади. Ана ерга қўнади, мана ерга қўнади, дея ҳар бирини диққат билан кузатамиз. Десантчи аскарларни машқ пайтида илк бор кўраётганимиз йўқ. Аммо парашют билан сакраш машқларини бажараётганлар яқинда Қуролли Кучларимиз сафларини тўлдирган ёш аскарлар эканлигини эътиборга оладиган бўлсак, сизнинг ҳам қизиқишингиз, ҳаяжонингиз бизникидан кам бўлмаслиги аниқ.

Аэродром ичкарисига кирар эканмиз, қисм командирининг ҳаво десанти хизмати бўйича ўринбосари, майор Тоҳир Солихов ва округ ҳаво десанти хизмати бошлиғи майор Шуҳрат Қурановларни учратдик. Ўқув машқлари раҳбарига ўзимизни таништирдик. Қуролли Кучлар Бирлашган штаби масъул ходими, полковник Александр Кочедиков режалаштирган ишимизни чала ташлаб, бу ерга етиб келганимизни эшитиб хурсанд бўлди.

- Жуда тўғри қилибсизлар! Бугун ёш аскарларимиз илк бор парашют билан сакрашаяпти. Умуман олганда, натижалар қувонарли. Ҳужумкор десантчиликка даъвогарлар орасида шундай йигитлар борки... Келинглар, гапни чўзиб ўтирмай, яхшиси ёш аскарлар билан ўзларингиз суҳбатлашиб кўринглар. Ана шунда бугунги кунда муддатли хизматга танлов асосида қандай йигитлар чақирилаётганини билиб оласиз, — деди у.

Майор Тоҳир Солихов билан саф тортиб турган ёш посбонлар ёнига бориб, бир-биридан дуркун, бир-биридан гавдали йигитларни кузатар эканмиз, «Десантчи бўлса, шундай бўлсин-да» деган фикр хаёлимиздан ўтди.

- Ҳозиргина осмондан тушган аскарлар шуларми? - дейман жўрттага овозимни баландлатиб ҳамроҳимга.

- Адашмай топдингиз, - дея кулимсирайди у. Йигитларнинг юзига табассум югуради. Ана энди, эркинроқ гаплашса бўлаверади!

- Парашют билан сакраш қандай бўларкан? Қўрқинчли эмасми?

Ҳар бир аскар ўз таассуротлари билан қисқача бўлса-да, ўртоқлашгиси келади.

- Қўрққаним йўғ-у, бироз ҳаяжонландим, - дейди биринчи аскар.

- Ерга тушгандан сўнг яна сакрагингиз келаркан, - дейди иккинчиси.

- Очиғи, парашют очилгунгача ўтган уч лаҳза уч соатдек туюларкан, - дея кулимсирайди учинчи посбон.

Барибир, илк таассурот, илк муваффақиятнинг гашти бошқача-да! Ҳозир кўзларидан ўт чақнаб турган ёш аскарлар бугунги кунни умрбод ғурур билан эслаб юришади. Бугунги кун десантчиларга ҳавода ҳаракатланишни, парашют тахлашни ўргатган устоз-офицерлар учун ҳам аҳамиятли. Бунда ёш аскарлар йиғини командири катта лейтенант Гавҳарбек Норметов, взвод командирлари - катта лейтенант Рашид Аширов, лейтенант Мираҳмад Мирзараҳимовларнинг муносиб ҳиссалари бор.

Ёш посбонлар билан суҳбатлашар эканмиз, уларнинг кўпчилиги ёшлар ўртасида ўтказилган нуфузли мусобақаларда муваффақиятли қатнашган спортчилар эканлигини билиб олдик. Масалан, Баҳодир Шерматов кикбоксинг билан жиддий шуғулланган профессионал спортчи, Ербол Рамазонов бокс бўйича спорт усталигига номзод (иккаласи ҳам республика биринчилигида 3-ўринни эгаллаган). Отабек Эргашев эса 1 разрядли боксчи, шаҳар биринчилиги ғолиби. Женя Попович эркин кураш бўйича спорт усталигига номзод, ўқувчилар орасида ўтказилган кўплаб мусобақалар совриндори. Владимир Бетенов енгил атлетика бўйича бир неча маротаба Ўзбекистон чемпиони бўлган. 2000 йилда 200, 400 метрга югуриш бўйича Марказий Осиё биринчилигини қўлга киритган.

Суҳбатдош аскарлар орасида ўта маҳоратли парашютчилар ҳам анчагина. Жумладан, II разрядли парашютчилар Александр Колесниковнинг бугунги синов машқи билан 29-марта «парвоз» қилган. Алимардон Мисиров, Лочин Солиев, Музаффар Қаҳҳоровлар эса авиация клуби аъзолари. Ҳатто, бу ерда аскарликкача 540 мартагача парашют билан сакраган ўғлонлар ҳам бор.

Хуллас, ёш десантчилар ҳузуридан бир олам таассурот билан қайтдик.

**Азимбек УСМОНОВ,**
**майор**

## УЧИШ ҲАММАГА НАСИБ ЭТАВЕРМАЙДИ

Жиззах олий ҳарбий Авиация билим юрти мамлакатимизда шу соҳадаги ягона ўқув маскани саналади. Шу йилнинг ёзида унинг ташкил топганига ўн йил тўлади. Ана шу ўтган даврда 700 нафардан ортиқ ватанимиз ўғлонлари мазкур ўқув юртини битирдилар.

Билим юртининг бугунги ҳаёти билан танишар эканмиз, тингловчиларнинг ҳар бир куни таассуротларга бой тарзда ўтаётганидан қувондик. 14 та кафедрада юздан ортиқ ўқитувчи тингловчиларга билим бермоқда. Барча машғулотлар замонавий техника, компьютерлар ёрдамида ўтказилиши, бўлажак ҳарбийларнинг касб сирларини пухта ва мукаммал ўзлаштиришларига хизмат қилаётир. Бу ерда вертолёт, самолёт авиацияси муҳандислари сингари ҳарбий мутахассислар тайёрланади.

«Умумий техника» кафедраси бошлиғи Камолиддин Зоировни кўпчилик фахр билан тилга олади. Чунки у кўп йиллик тажрибасини ёшларга ўргатиш билан биргаликда, янгиликка ташна, фидойи ва меҳрибон инсон сифатида ҳурмат қозонган. Шунингдек, ўқитувчилар А.Ким, А.Султонов, мураббийлар О.Эшонқулов, П.Беднов, И.Аптаев сингари ўз касбининг жонкуярлари хизматидан ҳам кўпчилик мамнун.

- Ҳаётда учишни орзу қилмаган инсон бўлмаса керак, - дейди билим юрти тарбиявий ишлар бўйича бошлиқ ўринбосари, подполковник Абдуғани Ҳамидов, - Аммо учиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Бунинг учун кишидан қунт, тиришқоқлик, маҳорат, сабр, катта билим ва жасорат талаб этилади. Айниқса, жисмонан соғлом, маънан етук бўлган қишлоқ ёшларининг билим юртимизда ўқиш истаги кўпайиб бораётганидан хурсандман.

Ҳукумат қарорига кўра 2003-2004 ўқув йилидан бошлаб Жиззах Олий ҳарбий Авиация билим юртида ўқиш муддати бир йилга ортиб, 5 йиллик бўлди. Бу эса ўз навбатида ёшларнинг касб сирларини янада пишиқ-пухта эгаллашларига имконият яратди.

**Абдуманноп АЗИМОВ,**
**«Ишонч» мухбири**





***Мамлакатимизда ўтказилаётган ҳарбий-ватанпарварлик ойлиги тадбирлари доирасида Бухоро, Ғиждувон, Қоракўл туманларининг чақириқ ёшдаги йигитлари вилоятдаги ҳарбий қисмларда бўлишди. Ёшлар ҳарбий хизматчилар ҳаёти билан танишдилар ҳамда ҳарбийларнинг спорт мусобақаларини томоша қилишди.***

## БАРЧАГА МАЪҚУЛ КЎРГАЗМА

Мудофаага кўмалашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти вилоят кенгашининг раиси Геннадий Ҳалимовнинг таъкидлашича, автомактаб кутубхонасида бўлғуси аскарлар учун Ўзбекистон Қуролли Кучларининг ўн икки йиллигига бағишланган китоблар кўргазмаси ташкил этилди. Бухорода эса авиамодел спорти бўйича мусобақалар ўтказилди. Унда вилоят туманларидан ўнта жамоа иштирок этди.

**"Туркистон-пресс"**

## УЧКЎПРИКЛИК БАҲОДИР

Сержантлар армиянинг асосий суянчи ва таянчидир. Шаклланаётган армиямиз олдида ўта масъулиятли ва шарафли вазифа турибди. Бу ҳам бўлса мустақиллигимизни, чегараларимиз дахлсизлигини, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ишончли ҳимоя қилишдир. Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган ислоҳотлар замирида ҳам ана шу мақсад турибди. Жаҳондаги илғор мамлакатлар тажрибасига таяниб, ҳарбий округларимизда фаолият кўрсатаётган сержантлар тайёрлаш мактаблари ҳаракатчан, замон талабларига тўла жавоб бера оладиган замонавий жанговар техника билан қуролланган, профессионал асосда шаклланаётган, армия сафларини ҳарбий илмни чуқур эгаллаган, ҳар томонлама етук сержантлар билан тўлдиришни асосий мақсад қилиб олган.

Шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Баҳодир Алиқулов буни жуда яхши тушунади. У алоқачилар қисмида аппарат бошлиғи бўлиб ишлайди.

Ҳозирги кунни замонавий алоқа воситаларисиз тасаввур қилиш қийин. Шунинг учун ихчам, қулай алоқа асбоб-ускуналарини бошқариш ҳам тинимсиз ўқиб-ўрганишни талаб қилади. Қаҳрамонимиз бу соҳадаги билимларини Самарқанд сержантлар тайёрлаш мактабида оширган. Унинг ўз устида тинмай ишлаши намунали хизмат фаолиятига асос бўлмоқда. Кичик сержант ўз вазифасини пухта бажариш билан бирга ёш аскарлардан ўз тажриба ва ёрдамини аямайди. У ҳақда батальон қўмандирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари катта лейтенант Равшан Азимов шундай дейди:

– Ҳарбий жамоада тарбиявий иш ғоят мураккаб бўлиб, бу ерда биз кичик командирлар ёрдамига таянамиз. Шу маънода сўз юритадиган бўлсак, Баҳодир Алиқуловнинг жамоамизда ўз ўрни бор. У аъло хизмати, хулқи билан аскарлар орасида ўзига яраша ҳурматга эга.

– Армиямиз профессионал асосда шаклланиб нуфузи ошиб бораётган бир паллада Қуролли Кучларимиз сафида эканлигимдан фахрланаман, – дейди кичик сержант. – Оилада беш фарзандмиз. Менинг ҳарбий эканлигим кичик укам Иқболжонни кўнглига офицер бўлишдек эзгу ниятни солди.

Баҳодир Фарғона вилояти Учкўприк туманининг Бахрин қишлоғида туғилиб ўсган. Ота-онаси унинг тарбияли, юрт ишига камарбаста инсон бўлиб етишганидан қувончи чексиз.

Ҳарбий хизмат машаққатли ва шарафли эканлигини кўп бор таъкидлаймиз. Шундай экан, кичик сержант Баҳодир Алиқулов ва унинг барча сафдошларига муқаддас бурчларини шараф билан ўташларида сабот-матонат ҳамиша ёр бўлишини истаб қоламиз.

**Б.ЁҚУБОВ,**
**лейтенант**

«Иқтидор» интеллектуал телеўйинининг навбатдаги сони Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб ўтказилди. Унда ҳарбий ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўқув юртларининг тингловчи-курсантлардан таркиб топган гуруҳлари ўртасида қизиқарли ақлий синовлар бўлиб ўтди.

## «ХАЛОСКОР»НИНГ ҒАЛАБАСИ

Республика Мудофаа вазирлигига қарашли Тошкент Олий умумқўшинлар қўмондонлик билим юртининг «Мардона», Чирчиқ танкчилар муҳандислиги олий билим юртининг «Десантчи», Ички ишлар вазирлиги академиясининг «Академия», Ёнғин хавфсизлиги олий техника мактабининг «Халоскор», Тошкент вилояти ИИБ ЁХББнинг «Қалқон», Алоқа олийгоҳи махсус факультетининг «Алоқачи», Давлат чегараларини қўриқлаш қўмитасига қарашли Тошкент олий ҳарбий чегарачилар тайёрлаш билим юртининг «Чегарачи» ва «Остона» жамоалари ғолиблик учун ўзаро баҳслашдилар. Ўйин байрамона руҳ ва юқори кўтаринкиликка бой бўлди. Иштирокчи жамоалар ўзларининг чуқур билим ва салоҳиятларини намойиш этишди.

Қизғин баҳс ва мунозаралар натижасида Ёнғин хавфсизлиги олий техника мактабининг магистрант ва тингловчилари Улуғбек Ёқубов, Фарҳод Омонов, Мирзоҳид Маъмуржонов ва Шерзод Шеровлардан иборат «Халоскор» жамоаси ғолибликни қўлга киритди. Кейинги ўринлар эса «Академия» ва «Қалқон» жамоаларига насиб этди. Ғолибларга ҳомийлар томонидан тақдим этилган қимматбаҳо совға ва фахрий ёрлиқлар топширилди.

**Ўктам ХОЛИҚОВ,**
**ички хизмат лейтенанти**

## САДОҚАТ

***Яқинда телевизорда чегара масканларининг бирида йўловчи автобус ичида яширин равишда олиб келинаётган катта миқдордаги гиёҳвандлик моддаларини чегарачи аскарлар томонидан фош этилганлиги намойиш этилди. Буни қўлга туширишда қатнашган ва уни фош этганлар, ўз фарзандларимиз, оддий аскарлар эди.***

Демак аскарларимиз Ватанимиз ҳудудига ноқонуний, яширин ҳолатда кириб келаётган гиёҳванд моддаларни, контрабанда молларини тўхтатиб, сиз билан бизни бу «қора ажал» домидан қутқариб қолмоқдалар. Бу уларнинг муқаддас даргоҳ бўлган қутлуғ заминни бало-қазолардан асрашга қўшаётган муносиб ҳиссаларидир.

Мана шундай аскарларимиз, посбонларимиз бор экан, юртимиз тинч, дастурхонимиз тўкин, ҳаётимиз яхши бўлаверади. Зеро, ота-боболардан мерос она замин - Ватан сарҳадларини ҳимоя қилиш чегарачиларимизнинг муқаддас бурчидир.

Аскар ўз йигитлик бурчини адо этиб, ота-оналари бағрига, туғилиб ўсган жойига қайтиб боради. Эҳтимол, у жойни шаҳар, қўрғон ёки қишлоқ, деб аташар. Бироқ қандай номланишидан қатъи назар, у жой, ўша йигит учун Ватандир. Шунинг учун халқимиз орасида инсон туғилиб ўсган, вояга етган жой Она Ватан, деб номланади. Бу – исбот талаб қилмас ҳақиқатдир.

Хизмат тақозоси билан кўпинча ҳарбий хизматчилар, ўртасида Ватан, Она юрт, оналар ҳақида суҳбатлар ўтказишга тўғри келади. Бу суҳбатларда турли ёшдаги, ҳар хил малакага эга бўлган ҳарбийлар фикрларининг бир жойдан чиқиши кишини тўлқинлантириб юборади.

Яқинда ана шундай тадбирлардан бирида ҳарбий қисмларнинг жамоа командирлари билан суҳбатлашишга тўғри келди. Ҳар икки сардорга «Сиз Ватан деганда нимани тушунасиз?» деб мурожаат қилдик.

«Агар биз Она юртимизни севмаганимизда, ҳанузгача бошқа ерда хизмат қилиб юравердик. Мустақиллик бизга Ватанни янада қаттиқроқ севишни ўргатди. Шунинг учун ҳам биз Она юртимизга қайтиб келиб, хизматни давом эттиряпмиз», дейишди улар.

Ватан асли нима? Бу саволга яқинда Фарғона туманининг Хонқиз қишлоғида яшовчи Эркин Иннатуллаев йигитлик бурчини ўтаётган ўғлининг командирига ёзган хатидаги фикрлари орқали жавоб беришга ҳаракат қиламиз: «Биз ўғлимизни Ватан ҳимоясига жўнатганмиз. Мен фарзандимни ҳарбий хизматда тобланган, ўз Ватанига содиқ, халқпарвар инсон сифатида кўришни истайман».

...Ўқув машғулотига чиққан аскарлардан бир гуруҳи оқшом чўккач, ўз палаткалари ёнига йиғилиб, гулхан ёқдилар. Кимнингдир қўлида рубоб, яна бирисида доира. Куйлар-куйларга уланиб борарди.

Мана шундай дамда, табиийки ҳар бир аскар йигитнинг кўнглига келадиган, хаёлини банд этадигани ота-оналари, оила аъзолари бўлса, ажаб эмас. Бир четда ўтирган бақувват йигитга мурожаат этаман:

– Акмалжон, нималар ҳақида ўйлаяпсиз?

– Тўғрисини айтсам, шу тобда бутун хаёлимни онам банд этганлар. Бағриларида юрганимда қадрларини унчалик билмаган эканман. Мана бир йилдирки, онамдан узоқда ҳарбий хизматда бўлиб, ҳар бир сўзини эслашга ҳаракат қиламан. Ҳаётимдаги энг улуғ ва қадрдон кишим – онам эканлигини бу ерда янада теранроқ ҳис этдим. Онамни асрашим керак, дейман ўзимга-ўзим. Йўқ, аввало Ватанни асрашим лозим. Шунда онамни, сафдошларимнинг оналарини, қўйингки, бутун халқимни ҳимоя қилган бўламан.

– Мен онамни бу ерга келишимдан бир ой олдин йўқотган эдим, – деб сўз бошлади Акмалнинг ёнида ўтирган аскар йигит Ёқубжон. – Хизматга келиш арафасида сал ўзимни тутиб олгандай эдим. Ҳозир эса деярли ҳар куни онажоним тушимга кириб чиқади. Менга доимо «эҳтиёт бўл» деб тайинлайдилар. Уйга борган заҳотим биринчи ишим онам қабрини зиёрат қилиш, обод этиш бўлади.

Булар ёш йигитларнинг дилларини банд этган меҳр сўзлари. Албатта , Ватандан муқаддасроқ даргоҳ, онадан буюкроқ зот бўлмаса керак.

**Холмурод ОЛЛАНАЗАРОВ,**
**подполковник**





# СПОРТ – СОҒЛОМ АВЛОД ХИЗМАТИДА

## ҚАШҚАДАРЁ

*Дил сўзи*

### БЎСАҒАДА – КАТТА ИМТИҲОН

Ўн уч ёшимдан бери дзюдо билан шуғулланаман. Дастлаб Косон туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабида таълим олдим. Тиришқоқлигим ва ўз-ўзимга талабчанлигим мураббийлар эътиборига тушди чамаси, мен билан алоҳида машғулотлар ўтказа бошлашди.

Дзюдо кураши сирларини эгаллаб, вилоят миқёсидаги беллашувларда муваффақиятга эришганимдан сўнг Самарқандда ўтказилган республика олимпиадасига юборишди. Машқлар қўл келди, билдирилган ишончни оқлаб, фахрли биринчи ўринни эгалладим.

Мураббийим Акром Бойбўтаев бир сўзни кўп такрорлайди: ёш спортчининг ҳаракатларида шаҳдамлик, ҳушёрлик ва тезкор ҳаракатлар куч, ғайрат билан уйғунлашиб кетсагина, у нимагадир эришади. Дадиллик ва қатъийлик, рақибнинг ожиз томонларини сезиш қобилиятини тарбиялаш ҳам катта аҳамиятга эга.

Тўрт йилдан бери республика чемпионатларида иштирок этиб, ғолиблик гаштини суриб келаман. Халқаро майдонларда ҳам бир неча бор зафар қучдим. 2001 йилда Қирғизистонда ўтказилган қитъа турнирида биринчи ўринни эгаллаб, жаҳон чемпионатида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдим.

Бултур Японияда ўтказилган мусобақада ҳам муваффақиятли қатнашдим. Мураббийимнинг ўгитлари асқотди. Дадил ва чаққон ҳаракатлар ўз самарасини бериб, барча рақибларимни ортда қолдирдим. Шу тариқа бу йил Грецияда ўтадиган олимпиада баҳсларида қатнашиш учун йўлланма соҳибасига айландим.

Спорт кундалик фаолиятимга айланган. Халқаро мусобақаларда муваффақият қозониб, юртимиз байроғини кўтаришга эришсам, қалбимда армоним қолмайди.

**Зинура ЖЎРАЕВА,**
**дзюдо бўйича мамлакат чемпиони**





*Болалар спорти*

### ОРЗУЛАРИ БИР ЖАҲОН

Болаларнинг спортга қизиқиши оиладан бошланади. Боғча ва мактабда шаклланади.

Қаршилик Суннат Исмоилов шаҳардаги Нодирабегим номли боғча-мактаб мажмуасида тарбияланади. У билим масканидаги энг ёш спортчилардан. Машғулотлар жараёнида барча машқларни катта қизиқиш ва чаққонлик билан бажаради. Шуғулланаётган спорт тури анча мураккаб бўлишига қарамай қийинчиликлардан чўчимайди. Чидам ва қунт билан иш тутишга одатланган.

Боғча-мактаб мажмуасида 30 нафар болажонлар спортнинг у-шу тури билан машғул. Тарбияланувчиларга олий даражали мураббий, спорт устаси Баҳром Саидов Шарқ яккакураш санъатидан сабоқ бермоқда.

Суннат Исмоиловнинг шериги билан беллашаётганининг гувоҳи бўлдик. Ўзининг дадил ҳаракатлари билан қисқа фурсатда рақибини мағлуб этди. Жажжи спортчидан мураббийнинг кўнгли тўқ. Чунки у яқинда Тошкент шаҳрида ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида фаол қатнашиб, ғолибликни қўлга киритди.

– Оиламиз аъзоларининг спортга ихлоси баланд, – дейди Суннатнинг отаси Алишер Ибрагимов. – Ўзим ва оила аъзоларимиз жисмоний тарбия машғулотларининг доимий иштирокчисимиз. Мусобақаларда қатнашиб, қувончли натижаларга эришяпмиз.

Вилоят у-шу федерацияси президенти Баҳром Саидовнинг таъкидлашича, ушбу спорт тури билан шуғулланувчилар сони ортиб бормоқда.

– Болалигидан спортни севган ва жисмоний машқларни тарк этмаган ҳар бир киши соғлом ва бақувват бўлиб ўсади, – дейди биз билан суҳбатда федерация раҳбари. – Келажакда воҳамиз мактаблари, болалар боғчалари, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртларида спортнинг у-шу турини ривожлантириш тадбирлари ишлаб чиқилган.

...Замонавий жиҳозлар билан безатилган чоғроқ спорт залида машғулотлар қизғин тус олган. Иқтидорли мураббий раҳбарлигида бир-бири билан курашаётган Суннатжон ва дўстларининг ҳаракатлари дадил, чаққон ва тезкор. Жажжи болакайларнинг бундай хатти-ҳаракатларини кузатиб, улар келажакда машҳур спортчилар бўлиб камол топишига ишончимиз ортди.

*Қўлни қўлга бериб*

***Болаларда жисмоний тарбияга меҳр, интилиш уйғотиш, уларни спортнинг сеҳрли оламига олиб кириш – кундалик вазифа. Шунинг учун ҳам Қашқадарёнинг чекка қишлоқларида спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор бериляпти.***

### ТАДБИРКОР 1,5 миллион сўм сарфлаб спорт зали барпо этди

Ўзбекистон Қаҳрамони, тадбиркор раҳбар Муродулло Саидов ташаббуси билан Миришкор туманида яна бир хайрли ишга қўл урилди. Иқтисодиёти равнақ топаётган «Жейнов» ширкат хўжалиги марказида ёшлар спорт мажмуаси қурилишига киришилди.

– Қишлоқларимизда истиқомат қилаётган йигирма мингга яқин аҳолининг олтмиш фоизини ёшлар ташкил этади, – дейди биз билан суҳбатда хўжалик раҳбари. – Уларнинг бўш вақтларини мазмунли ва мароқли ўтказиш учун ҳар хил оммавий, маданий тадбирлар уюштириляпти.

Янги йилда жейновликлар қулай ва муҳташам спорт мажмуасига эга бўладилар. Лойиҳа қуввати 350 миллион сўмлик масканда футбол, волейбол, баскетбол, мини футбол, теннис, ядро улоқтириш каби спорт турлари билан шуғулланиш имконияти яратилади.

Қарши шаҳридаги 18-қурилиш ишлаб чиқариш корхонаси бунёдкорлари зиммаларига юклатилган ишларни жадаллик билан олиб боришяпти. Қўлигул усталар А.Шоймов, Б.Раҳмонбердиев, тажрибали ҳайдовчи С.Раҳмонов кабилар иш суръатини тезлаштиришга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Вилоятда бундай ибратли ишлар кенг кўламда амалга ошириляпти. Шаҳрисабзлик тадбиркор Зулфия Каримова ҳиммати туфайли туман марказидаги ташландиқ жойга айланиб қолган савдо дўкони ертўласи қайта таъмирланиб, жиҳозланди. Саховатпеша ишбилармон ўз ҳисобидан 1,5 миллион сўм маблағ сарфлаб, ёшлар учун спорт зали барпо этди. Янги масканда «Кулоллик» маҳалласининг 300 нафардан ортиқ йигит-қизлари иқтидорли мураббий Собир Султонов раҳбарлигида каратэ машғулотлари ўтказишяпти.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

Қарши тумани маркази Бешкентдаги лицей-интернатда таълим олаётган ўқувчилар туман машина-трактор парки давлат акционерлик жамияти ташаббуси билан ташландиқ жойда барпо этилган ўйингоҳда спорт машғулотларини ўтказишади. Бундан ташқари, яқин атрофдаги маҳаллалар ёшлари ҳам мазкур ўйингоҳдан фойдаланишмоқда.

* * *

Бешкент қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежида жисмоний тарбия ва спортга катта эътибор қаратилган. Кўплаб қулайликларга эга спорт зали, майдончалар ўқувчилар ихтиёрида. Бу ерда бир нечта тўгараклар доимий фаолият юритаяпти. Коллеж тарбияланувчиларининг спортга ошно бўлишида малакали мураббийларнинг ҳиссаси катта бўлаётир.

**С.ШАВКАТОВ**
**олган суратлар**

*Оммавийликдан - маҳорат сари*

### ҚИШЛОҚДА КАМОЛ ТОПГАН

***Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида Президентимиз Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг шу тўғрисидаги қарорини ҳаётга татбиқ этиш бўйича Ғузор туманида ҳам ибратли ишлар амалга оширилаяпти.***

Туманда камол топиб, довруғ таратган спортчилар талайгина. Республика каратэ федерациясининг президенти Нурхон Нафасов, миллий кураш бўйича икки марта жаҳон чемпиони Баҳром Авазов билан ғузорликлар ҳақли равишда фахрланадилар. Шунингдек, 1979 йилда сув полоси бўйича Голландияда бўлиб ўтган мусобақаларда Европа чемпионлигини қўлга киритган Илгизар Эшпардаев ҳам спортдаги дастлабки қадамларини шу заминда қўйган.

Туман ҳокимлиги ва мутасадди ташкилотларнинг ғамхўрлиги туфайли бугунги кунда ҳам ёшлар спорт мусобақаларида совринли ўринларни эгаллаш учун астойдил интилмоқдалар. «Шўртан» футбол жамоаси республика мусобақаларида муваффақиятли қатнашмоқда.

1996 йилда ташкил этилган жисмоний тарбияга ихтисослашган мактаб-интернат истиқболли кадрлар масканига айланган. Жамоадан ўнлаб мураббийлар, спорт фидойилари етишиб чиқди. Мактабда таълим олган собиқ ўқувчилардан 30 нафари республика чемпиони, 36 нафари усталикка номзод, 2 нафари спорт усталаридир. 80 нафардан зиёд ўғил-қизлар футбол ва кураш тури бўйича биринчи тоифа талабини бажаришди.

Мактаб директори Э.Номозовнинг таъкидлашича, илм даргоҳида камол топган иқтидорли ёш футболчилар айни пайтда «Насаф» ва «Шўртан» жамоаларида тўп суришмоқда. 12 нафар ўқувчи миллий кураш бўйича республика чемпионлигини қўлга киритиб, Қарши Давлат университетининг жисмоний тарбия факультетига тест синовларисиз, имтиёзли ўқишга кирди. «Умид ниҳоллари» республика мусобақаларида кўплаб ёшлар совринли ўринларни эгалладилар. Мактабнинг футбол жамоаси интернатлар ўртасида ўтказилган ҳудудий мусобақаларда ғолиб чиқиб, мамлакат босқичига йўлланма олди.

- Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш устувор вазифага айланган, - дейди Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг тумандаги етакчи мутахассиси Б.Аҳмедов. - Вазирлар Маҳкамасининг «Оммавий спорт тарғиботини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори спортнинг инсон ва оила ҳаётидаги ўрнини, унинг жисмоний ва маънавий соғломлик асоси эканини тарғиб-ташвиқ қилиш ва янги истеъдодларни рўёбга чиқаришда катта аҳамият касб этади.

Ҳозир қишлоқ жойларида 5 та спорт майдони ва 1 та спорт мажмуаси қурилиши бошлаб юборилган. Бундан ташқари, барча қулайликларга эга бўлган спорт зали, 960 томошабинга мўлжалланган ўйингоҳ қурилиши учун 425,7 миллион сўм маблағ ажратилди.

Юқорида тилга олинган мисоллар катта тадбирларнинг бошланиши, холос. Зеро, таҳлиллар кўрсатиб турибдики, туманда, айниқса, қишлоқ мактабларида спортнинг оғир ва енгил атлетика, бокс, теннис каби турларини кенг йўлга қўйиш учун ҳали кўп иш қилиш керак.

**И.ИСОМИДДИНОВ**

*Интилганга толе ёр*

***Мамлакатимизда футбол энг оммавий спорт турларидан бири ҳисобланади. Вилоятимизда ҳам футболни ривожлантириш, унинг моддий базасини мустаҳкамлаш, истеъдодли ўйинчиларни танлаш ва тарбиялашга катта эътибор беріляпти. Бугунги кунда «Насаф» ва «Машъал» жамоалари мамлакат чемпионатининг олий поғонасида тўп суришяпти.***

### «ТОЛИБА» хотин-қизлар футбол жамоаси

Ўтган йилнинг май ойида вилоят ҳокимининг қарори билан яна бир футбол жамоасига тамал тоши қўйилди. Шўртангаз кимё мажмуаси ва Қарши тиббиёт коллежи ҳомийлигида «Толиба» хотин-қизлар жамоаси ташкил этилди.

Футболчиларимиз Тошкентда ўтказилган мамлакат VIII чемпионатида муваффақиятли қатнашиб, бронза медалини қўлга киритдилар. «Андижанка» ва «Гулбаҳор» жамоаларидан кейин фахрли учинчи ўринни эгалладилар.

Муваффақиятни таъминлашда О.Маҳмудова, О.Рўзиева, Г.Муҳитдинова, М.Содиқова, Н.Ҳасанова, З.Раҳмонова, Ш.Шукурова, Г.Тўраева, Ш.Собирова, М.Туропова каби ўйинчиларнинг ҳиссаси салмоқли бўлди.

Жамоамизни тақдирлаш маросимида вилоят ҳокимининг ўринбосари Назар Ҳакимов, Ўзбекистон Футбол федерацияси масъул ходими Ахбор Имомхўжаев, клубимиз президенти Алишер Султонов иштирок этиб, жамоани юксак мукофот билан самимий қутладилар ва келгусида янада юқори натижаларни қўлга киритишга ишонч билдирдилар.

«Толиба»нинг барча аъзолари мусиқа маркази, телевизор ва бошқа қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Айни пайтда тажрибали мураббий Абдураҳмон Юмангулов раҳбарлик қилаётган жамоамиз янги мавсумга пухта тайёргарлик кўряпти. Тинимсиз машқлар зафар келтириши табиий. Бунинг учун ҳамма шарт-шароитлар яратиб берилган.

**Олия АҲМЕДОВА,**
**«Толиба» футбол жамоаси сардори**

*От ўрнини той босар*

### УМИДЛИ ШОГИРДЛАР ишончни оқлайди

Муборак наинки вилоятда, балки республикамизда ҳам ўз нуфузига эга туманлардан бири саналади. Чунки туманимиз бой ер ости заҳиралари билангина эмас, инсоний-интеллектуал салоҳияти, чунончи, жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги улкан ютуқлари билан ҳам мақтовга сазовордир.

Яқин йиллар ичида спортдаги ғалабаларимиз салмоғининг янада ошишига ишончим комил. Негаки, биргина «Машъал» жамоасининг футбол бўйича мамлакат чемпионати олий табақасида бир неча йилдан буён муваффақиятли иштирок этиб келаётганлиги туманда «миллионлар ўйини»га катта эътибор қаратилаётганлигидан дарак беради. Шу ўринда таъкидлаш лозим: «Машъал» футбол клубида маҳаллий иқтидорли ёшларга катта эътибор қаратилади. Шу мақсадда клуб қошида ўринбосарлар жамоасидан ташқари футбол академияси ҳам фаолият кўрсатмоқда. Футбол академияси тарбияланувчиларига Комил Ёмғиров, Анвар Тўкаев, Отажон Авезовлар мураббийлик қилишяпти. Ҳар йили бир нечта иқтидорли ёш футболчилар жамоанинг ўринбосарлар ва асосий таркибини тўлдиришмоқда.

Қувонарлиси, ёш спорт ихлосмандларига бўлган бундай ғамхўрлик бошқа спорт турларида ҳам бирдек кўзга ташланяпти. Туманимиз ёшлари ўзлари ёқтирган спорт машғулотларида қатнашиш имкониятига эга бўлишмоқда. Натижада улар саломатликларини мустаҳкамлаш билан бирга маҳоратларини ҳам ошириб боришяпти.

Масалан, ўзим фаолият олиб бораётган милиция полковниги Абдикарим Йўлбарсов номидаги «Ёшлар спорт мажмуи» иш бошлаганига ҳали бир йил ҳам тўлгани йўқ. Ўтган йили Наврўз умумхалқ байрами арафасида ҳомий ташкилотларнинг беминнат кўмаги билан қуриб фойдаланишга топширилган мажмуа туман кўркига кўрк бўлиб қўшилди. Замонавий лойиҳа асосида бунёд этилган спорт мажмуининг машғулотлар зали, дам олиш, ювиниш ҳамда кийиниш хоналарида барча қулайликлар муҳайё этилган. Спорт анжомлари, жиҳозлар етарли. Шунингдек, тиббиёт хонаси дори-дармонлар билан тўла таъминланган. Тажрибали шифокор ишлаб турибди.

Ҳозирги вақтда спорт мажмуимизда миллий кураш, оғир атлетика, стол тенниси, бокс, гимнастика, дзюдо ва кикбоксинг бўйича секцияларда машғулотлар олиб борилмоқда. Уларга юзлаб спортсевар ёшлар — умидли ўғил-қизлар жалб этилган. Мисол учун мен машғулотлар олиб борадиган бокс бўйича 70 нафарга яқин бола шуғулланади. Улар ёшларига қараб 3 та гуруҳга бўлинган. Ҳозирданоқ шогирдларим орасидан келгусида Артур Григорьян, Муҳаммадқодир Абдуллаев, Руслан Чагаев сингари моҳир «чарм қўлқоп» усталари бўлиб етишадиганлар бўй кўрсатиб қолди. Насиб этса, улар Ватанимиз байроғини сарбаланд этадилар. Мен бунга ишонаман.

**Давлат МУҲАММАДИЕВ,**
**Муборак туманидаги «Ёшлар спорт мажмуи» мураббийси**

*Иштиёқ*

***Вазирлар Маҳкамасининг «Оммавий спорт тарғиботини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори жисмоний тарбия ва спортни тараққий эттириш, бу соҳадаги илғор тажрибаларни тарғиб-ташвиқ қилишга қаратилган.***

### КАРАТЭ қизларни ҳам мафтун этмоқда

Қарши шаҳар ҳокимлиги ҳамда жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан спорт-соғломлаштириш маркази ташкил этилган эди. Мажмуада ҳафтанинг пайшанба куни вилоят каратэ жамоаси машғулот ўтказади.

Бултур декабр ойида Словенияда ўтказилган жаҳон кубоги баҳсларида қашқадарёликларнинг 3 нафар вакили иштирок этди. Қарши шаҳридан Жаҳонгир Ражабов кумуш медал билан тақдирланган бўлса, Китоб туманидан 12 ёшли мактаб ўқувчиси Нодир Самижонов бронза медалини қўлга киритди.

Туркиянинг Истамбул шаҳрида бўлиб ўтган «Евразия» халқаро турнирида София Каспулатова, Ауция Бойпўлатова олтин медал соҳибаси бўлишди. Қаршилик Ихтиёр Шаропов 2 та бронза медалини қўлга киритди. Хитой Тайпейида ўтказиладиган Осиё чемпионатида Ёрқин Раҳмонов ва София Каспулатованинг чиқишлари олқишлар билан кутиб олинди.

Қамаши туманининг Ғиштли қишлоғида Акмал Норбўтаев томонидан спорт тўгараги очилди. Тажрибали мураббий Алишер Содиқовдан қўл жангининг сир-синоатларини пухта ўрганган моҳир каратэчи ёшлар билан машғулотлар ўтказа бошлади.

Тўгаракда 35 нафар мактаб ўқувчиси иштирок этаяпти. Улардан 10 нафари қизлар. Каратэ тўгараги дарагини эшитган қўшни қишлоқларнинг аҳолиси ҳам Акмал Норбўтаевдан болалар билан машғулот ўтказишни илтимос қилишмоқда.

Акмалжоннинг шогирдлари нуфузли мусобақаларда синовдан ўтди. Ёш спортчилардан Музаффар Худойқулов, Зуҳриддин Маҳматмуродов, Элдор Яхшиноров туман миқёсида уюштирилган беллашувларда биринчиликни қўлга киритган бўлса, қизлар ўртасида Лайло Усмонова ғолибликни эгаллади.

**Қ.АҲАДОВ,**
**Қарши шаҳар каратэ федерацияси президенти**

*Дўст ачитиб гапиради*

***Помуқ қишлоғи Миришкор туманининг «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги ҳудудида жойлашган. Бу ерда 1 та лицей-интернат, 1 та коллеж ҳамда 3 та ўрта умумтаълим мактаби бор. Уларда юзлаб ёшлар таълим олишмоқда. Умуман олганда эса туман аҳолисини 3 минг 700 нафарга яқинини мактаб ёшидаги ўғил-қизлар ташкил этади. Хўш, улар у ёки бу спорт тури билан шуғулланиб, саломатликларини мустаҳкамлашлари, қолаверса, етук спортчи бўлиб етишишлари учун барча шарт-шароитлар етарлими?***

### ҲУВИЛЛАГАН ЎЙИНГОҲЛАР қачон эгасини топади?

«Кўкдумалоқ» ўйингоҳи бундан 7 йил олдин бунёд этилган. Бу ердаги аҳволни кўриб, ачиниб кетасан киши. Майдон ўлчами халқаро талабларга тўла жавоб бера оладиган ўйингоҳ қаровсиз аҳволга келиб қолган. Бир пайтлар кўзни қувнатадиган яшил майдон эътиборсизлик, эгасизлик оқибатида ўз кўркини йўқотган. Ўриндиқлар яқин орада таъмирланмаганлиги шундоққина кўриниб турибди. Айтганча, спорт иншоотидаги аҳвол билан танишиш мобайнида ўйингоҳдаги «Соғлом авлод учун курашайлик!» деган шиор эътиборимизни тортди. Қизиқ, кимсасиз ўйингоҳда соғлом авлод тарбиялашдек эзгу мақсадни амалга ошириб бўлармикин?

Ҳамроҳимиз самбо, дзюдо ва миллий кураш бўйича собиқ иттифоқ чемпиони Тоғандурди Худойбердиевнинг таъкидлашича, бу ерда спорт мактаби жойлашган бўлиб, ўз машғулотларини олиб боради. Бироқ қанчалик истамайлик, на БЎСМ директорини, на бирон-бир мураббийни ва на тарбияланувчиларни учрата олдик. Аҳвол шу даражага етганки, стадионда жойлашган спорт мактаби хоналарининг эшик ва деразалари, жиҳозлари кимлар томонидандир қўпариб кетилган. Хуллас, ўйингоҳга илк маротаба келган киши бу ерда болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг машғулотлари олиб борилади, деган гапга ҳечам ишонмайди.

– Ўйингоҳда бирон бир мусобақа ўтказиладими, ўзи? – сўраймиз ҳамроҳимиздан.

– Ҳа, бу ерда турли байрамлар ўтказилади. Шу пайтлар чироқлар ҳам ёнади.

Ажаб, ўйингоҳда энг аввало спорт тадбирлари ўтказилиши керак эмасми?

Ўйингоҳнинг шундоққина ёнгинасида теннис корти жойлашган. Ҳеч бўлмаса, бу ерда ёш теннис ихлосмандларини учратармиз, деган ўй хаёлимизни банд этди. Аммо умидларимиз рўёбга чиқмади. Сабабки, қарийб 250 томошабинга мўлжалланган спорт иншооти дарвозасига қулф урилган экан. Корт майдони эса янтоқзорга айланган. Афтидан, миришкорлик ёшлар теннисни унчалик хушлашмайди, шекилли. Акс ҳолда...

Помуқдан қайтарканмиз, ҳамроҳимиз, ўз фикр-мулоҳазаларини қуйидагича ифодалади:

– Туманимизда иқтидорли ёшлар жуда кўп. Фақат уларнинг талантини юзага чиқариш учун ҳамжиҳатликда, ҳамкорликда иш олиб боришимиз лозим. Шундай экан, спорт иншоотлари, жумладан, ўйингоҳ бўш туриши мумкинми?

Айни шу савол билан туман ҳокимининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосарига мурожаат этдик. Унинг изоҳлашича, ўйингоҳ ҳозирги пайтда «Кўкдумалоқ» конлар бошқармасига қарашли бўлиб, у ҳудуддаги фуқаролар йиғини ёки коллеж тасарруфига олиб берилиши режалаштирилаётир. Шундан сўнггина спорт иншооти учун масъул мутахассислар тайинланаркан. Ҳақли савол туғилади: хўш, бу қачон амалга ошади? Бунгача спорт иншоотлари аҳволи янада ачинарли ҳолга келиб қолмасмикин?

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг яқинда бўлиб ўтган навбатдаги йиғилишида муҳтарам Юртбошимиз «Спорт – миллатнинг, бутун халқнинг сиёсати», деб бежизга таъкидламадилар. Зотан, соғлом турмуш тарзининг мустаҳкам гарови бўлган жисмоний тарбия ва спортга эътибор ортида эртанги кун масаласи турибди. Буни ҳеч ким ҳеч қачон унутмаслиги керак.

**Шавкат СУЛТОНОВ,**
**Камол ОЛЛОЁРОВ,**
**«Ишонч» мухбирлари**

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси ташкилий ишлар бўлими мудири Лола Джалоловага онаси

**САРВАРА аянинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёкубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Кудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди -

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 19500 Буюртма Г— 217 1 3456